



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 155 (1216), 2024 йил 3 август, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz



ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Хурматли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни кутлуг касб байрамингиз — Темир йўл транспорти ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Биз ушбу тизимда меҳнат қилаётган сизлар каби заҳматқаш ишчи ва хизматчилар, қурувчи ва муҳандислар, машинист ва вагон кузатувчилари, соҳа фахрийларини ўз ичининг чинакам устали деб биламиз ва Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини, халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш йўлидаги хизматларингизни юксак қадрлаймиз.

Ушбу қувончли айёмда соҳада амалга оширилаётган йирик лойиҳа ва дастурларимиз муваффақиятини таъминлашда сизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Бу ҳақда гапирганда, жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасини Хоразм вилояти билан боғлайдиган Шовот — Қораўзак янги темир йўл тармоғи ҳамда Амударё орқали ўтадиган, темир йўл ва автомобиллар учун мўлжалланган муҳташам кўприк фойдаланишга топширилганини таъкидлаш лозим.

Ўтган даврда 3 минг километрдан зиёд темир йўллар электрлаштирилди. Бухоро — Урганч — Хива ҳамда Мискин — Нукус темир йўл тармоқларини электрлаштириш ишлари эса жадал давом эттирилмоқда.

Шунингдек, азим пойтахтимиздан Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарларимизга “Афросиёб” электропоездларининг қатновлари сони оширилмоқда. Келгусида бу ишларнинг давоми сифатида Тошкент — Бухоро — Хива ҳамда Тошкент — Чирчиқ — Ҳожикент йўналишларида ҳам юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатнови ни йўлга қўямиз.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг халқаро транспорт ва транзит салоҳиятини юксалтириш борасида ҳам янги уфқлар очилмоқда. Стратегик аҳамиятга эга Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича амалий ишлар бошлангани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ҳозирги вақтда ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган рақамли технологиялар темир йўл транспортига ҳам фаол жорий этилмоқда. Натижада хизмат кўрсатиш даражаси кескин ошиб бормоқда. Айниқса, юкларни етказиш вақти сезиларли даражада қисқаргани, темир йўл участкаларининг ўтказувчанлик қобилияти ортигани, йўловчилар оқими кўпайгани, операцион харажатлар қисқаргани, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш соддалаштирилиб, юк ортиш ва тушириш ишлари бўйича енгиллаштирилган тартиб ўрнатилганини қайд этиш жоиз.

Хурматли соҳа ходимлари!

Ҳаёт ва тараққиёт суръатлари мисли кўрилмаган даражада тезлашиб бораётган бугунги кунда замоннинг ўзи барча соҳалар қатори темир йўл тизими олдида ҳам ўта долзарб вазифаларни қўймоқда. Жумладан, темир йўл транспорти янада ривожлантириш, соҳада кўрсатилаётган хизматлар турини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, муҳим замонавий коммуникация объектларини барпо этиш бўйича сизлар билан биргаликда хали жуда катта ишларни амалга оширишимиз зарур.

Ишончим комил, бой билим ва тажрибага эга бўлган темир йўл соҳаси ходимлари янада улкан куч-ғайрат билан меҳнат қилиб, мамлакатимизнинг темир йўл транспорти соҳасидаги салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшадилар.

Ўз навбатида, соҳа ривожини учун янада қулай шароитларни яратиш, сизларнинг шарафли ва машаққатли меҳнатингизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказида бўлади.

Сиз, азизларни бугунги байрам билан яна бир бор табриклаб, келгуси фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



ЯНА ДЗЮДО, ЯНА БИР БРОНЗА МЕДАЛЬ!

ПАРИЖГАЧА ВА ПАРИЖДАГИ МУЗАФФАР ОДИМ

Парижда бўлиб ўтаётган эъги Олимпия ўйинларида юртдошларимиз дзюдо спортда янги саҳифа очмоқда. Бу сафарги медаль ҳам дзюдочилар жамоасига ёзилди. Оғир вазн (+100 кг) тоифасида иштирок этган Алишер Юсупов бронза медални қўлга киритди. Аҳамиятлиси, дзюдо ватани — Япония вакили бўлган Татсуро Саитони мутлақ мағлуб этди.

Ҳозирча Ўзбекистон делегацияси ҳисобида 1 олтин ва 2 бронза медаль бор. Олимпиада мусобақаларида иштирок этаётган спортчиларимизга бу ҳисобни янада бойитишни тилаб қоламиз.

Барчамизга зафарлар ёр бўлсин!

Ҳозир барчанинг эътибори Парижда бўлиб ўтаётган Олимпия ўйинларига қаратилган. Спорт баҳслари қизгин паллага кирди. Тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаларини катта қизиқиш ва алоҳида завқ-шавқ билан кузатиб бораётган юртдошларимиз спортчиларимиздан галаба, медаллар шодасини кутаёттир. Дзюдо баҳсларида ярим финалга қадар дадил борган полвонларимиздан бири Музаффарбек Тўрабоев бронза медаль учун баҳсда испаниялик Николоз Шеразидишвили устидан галабага эришиб, Ўзбекистон делегацияси ҳисобини иккинчи медаль билан бойитди.

Давоми 2-бетда

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИ МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Темирйўлчилар маданият саройида соҳа ходимларининг касб байрамига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан мазкур муҳташам, файзли саройга фахрий темирйўлчилар, муҳандислар, соҳага эндигина кириб келаётган ёшлар тақдир этилди.

Айтиш керакки, 2024 йил нишонланаётган Ўзбекистон темир йўл транспорти ходимлари куни Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллиги ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ташкил этилганининг 30 йиллигига тўғри келмоқда. Темирйўлчиларнинг бу йилги касб байрами соҳада катта ўзгаришлар даври билан боғлиқ.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат темир йўл транспорти ходимларига йўллаган байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Давоми 2-бетда



ИҚТИСОДИЁТНИНГ ПЎЛАТ ЙЎЛАГИ

мамлакатимиз ва минтақа ривожига катта ҳисса қўшади

Ислохотлар самараси



Одатда бир неча мамлакат тараққиётига хизмат қилувчи, минтақа ва жаҳон иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшувчи халқаро лойиҳаларга жиддий тайёргарлик кўрилади. Бунинг учун пухта режа ва асослар талаб этилади. Бу эса муайян вақт талаб этадиган жараён. Нафақат уч давлат, балки минтақа ва жаҳон юк ташиш ҳамда логистика хизматларини самарали босқичга олиб чиқишга қаратилган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлига шундай баҳо берсақ арзийди. Мазкур стратегик лойиҳанинг бу борадаги аҳамияти жуда юқори.

Мамлакатимизнинг қулай географик жойлашуви, ривожланаётган иқтисодиётида темир йўл транспортининг алоҳида ўрни бор. Сунгги йилларда Ўзбекистон темир йўлларида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада тизим зарур инфраструктурага эга, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжини қондирувчи муҳим тузилмага айланмоқда. Тармоққа бўлган эътибор туфайли Ўзбекистон замонавий транспорт коммуникациялари ва юксак транзит салоҳиятига эга давлатга айланди. Пировадидда юртимиз Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғлайдиган халқаро темир йўлининг маркази сифатида эътироф этилмоқда.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси туфайли трансминтақавий алоқаларнинг муҳим таркибий қисми бўладиган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли бутун минтақа тараққиётига кучли суръат бағишлайди.

2023 йил май ойида Хитой темир йўл қурилиш корпорациясининг биринчи лойиҳа-тадқиқот институти Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишни якунлаганди.

Давоми 4-бетда

Мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарувида фўқаролар иштироки сайловлар орқали таъминланади. Миллий қонунчилигимизга мувофиқ, парламентга сайловлар ҳар беш йилда бўлиб ўтади. Жорий йил ушбу муддат тўлиши муносабати билан Марказий сайлов комиссияси қарорига кўра, юртимизда шу йил 27 октябрь санаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларига сайлов куни этиб белгиланди. Шунга кўра, 26 июлдан сайлов кампаниясига старт берилди.



ИМЗО ТЎПЛАШ ЖАРАЁНИ САЙЛОВЧИЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВИ ИФОДАСИ

Ушбу сиёсий жараён айни кунларда қизгин паллага кириб бормоқда. Сайловларни мазкур жараённинг энг муҳим иштирокчиси бўлган сиёсий партияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қолаверса, сайлов қонунчилигига кўра, фақат сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга субъектдир.

Шу билан бирга, сиёсий партия бундай ҳуқуққа эга бўлишининг ўзи унга сайловда иштирок этиш ва номзод кўрсатиш ҳуқуқини беради, дегани эмас. Сайлов кодекси асосида сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига расман рухсат берилиши учун бир қанча талаблар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига кўра, сайловда иштирок этишни истаган сиёсий партия, энг аввало, сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинган кун (2024 йил 26 июль)дан камидан **тўрт ой олдин** (2024 йил 26 март) Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ва ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватлови камидан **қирқ минг сайловчининг** имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Давоми 3-бетда

ГЎШТ НАРХИ ОШГАНИ ҲАҚИДАГИ ХАБАРЛАР АСОСЛИМИ?

Гўшт кундалик эҳтиёжимизнинг асосий маҳсулотларидан бири бўлгани боис, унинг бозордаги нархи бевосита аҳолининг харид имкониятлари, истеъмол талабига таъсир кўрсатади.

Айни кунларда ижтимоий тармоқларда Ўзбекистонда гўшт нархи сезиларли ошиб кетгани, кўзичоқ гўшти 120-125 минг сўмдан сотилаётгани ҳақида хабарлар тарқалди. Бунга Қирғизистон ва Қозоғистондан юртимизга маҳсулот етказиб бериш кескин камайгани сабаб қилиб кўрсатилапти. Табиийки, гўшт маҳсулотларини доимий истеъмол қилишга ўрганган халқимиз орасида бу хабар кенг муҳокама ва норозиликларга сабаб бўлди.

Қизғин, ёз ойининг иссиқ кунларида одатда гўшт маҳсулотларига талаб нисбатан камайиб, аҳоли кўпроқ

мева-сабзавот, салқин егуликлар харид қилишга интилади. Қолаверса, ҳозир табиатимиз яшилликка бурканган, ўт-ўлан етарли. Ем-ҳашак нархи қиш мавсумидаги каби қиммат эмас. Шундай шароитда бирдангина гўшт нархи ошгани қизиқ. Бироқ “шамол бўлмаса, даракнинг учи қимирламайди”. Бу мақол ушбу вазиятга қанчалик тўғри келади, билмадик-ку, аммо мутасаддиларнинг ҳолат бўйича берган изоҳлари масалани ойдинлаштирди.

Давоми 4-бетда



Сурхондарё вилоятининг тоғли Бойсун тумани Даштиғоз қишлоғида туғилиб вояга етган Музаффарбек Тўрабоевни билганлар полвонлар сулоласи вакили сифатида танийди. Билмаганларга эса маълумот: у кураш бўйича жаҳон чемпиони, 1999 йили Термиз шаҳрида ўтказилган Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир бош соврини соҳиби Тоштемир полвон Муҳаммадиевнинг тўнғич ўғли.

курашга, даврга чиқардик. Аввалига полвон ори, хонадон, маҳалла ори учун беллашган бўлса, кейинроқ юрт ори учун майдонга чиқадиган бўлди. Кеча акам Ватан ори учун майдонга тушиб, зафар кучганида бутун мамлакат уни олқишлаб турганини кўриб жуда қувондим, — дейди Ўткирбек Тўрабоев. — Бир гапни айтсам, ишонарсиз-ишонмасиз, отамиз фақат шаън учун майдонга тушиб, ҳалол ва жўмард олишишганига ўргатмаган. Китоб ўқишни ҳам қанда қилмасликни таяинларди. Келгуси тўрт йиллик мусобақага акам билан бирга бориб, олтин медаль учун, Ватан шаъни учун майдонга тушишни кўнглига тугдм.

Музаффарбек Тўрабоев ота-онанинг орзусини рўёбга чиқарди. Спорт ҳаяжонли лаҳзалар, зафарли онлар аламли мағлубият дамлари билан ҳам қизиқарили, жозибали ва эсда қолади. Спортнинг ҳаётининг мазмунини деб билган кишиларгина буни чуқур ва теран англайди.

Ватандошимизнинг бронза медаль учун курашини яқинлари, маҳалла-қўй алоҳида ҳажон билан бир жойда йиғилиб, телевизорда кузатиб борди. Гулсума Эргашева эса бу гап ҳам фарзандининг курашга тушганини кўришга юраги дов бермай, нариги хонада яқинлари билан гурунлашиб ўзини овутиди. Галаба ҳайқирғи онанинг кўзини севинч ёшига тўлдирди. Бир зумда Даштиғоз қишлоғи кўчаларида байрам бошланиб кетди. Бойсун тумани ҳокими, вилоятнинг масъул идоралари раҳбарлари ғолибнинг ота-онасини қутлагани келди. Кишлоқ кўчаларини Ўзбекистон байроғи илинган машиналар ҳаракати, концерт дастурлари оҳанги тўлдирди.

— От изини той босар, деганлари ҳақ гап. Бундан ўттиз йиллар нари-берисида Даштиғоздан чиққан Тоштемир Муҳаммадиев жаҳон чемпионатларини шиддати билан ёндирган бўлса, ҳозир ўгли дунёнинг нуфузли турнирида, катта кураш давраларида забардаст полвонларнинг курагини ерга теккизаяпти, — дейди бойсунлик меҳнат фойдаланувчиси Султонмурод Даминов. — Ўзбекистоннинг келажаги Музаффарбек, Ўткирбек сингари баркамол фарзандларимиз қўлида. Полвоннинг галабасини эшитган, кўрган ва билганлар хонадонига тунда ҳам келиб, ота-онани тибрайламоқда. Чунки бу — юртининг юртининг байрами.

Дарахт илдизи билан барҳаёт. Ниҳоллар ҳам чинорларга қараб қад ростлайди. Бу жиҳатларини теран англаётган Музаффарбек Тўрабоев сингари ёшларнинг зафарли одими бардавом бўлсин!

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ПАРИЖГАЧА ВА ПАРИЖДАГИ МУЗАФФАР ОДИМ

Бошланиши 1-бетда

Сурхондарё вилоятининг тоғли Бойсун тумани Даштиғоз қишлоғида туғилиб вояга етган Музаффарбек Тўрабоевни билганлар сулоласи вакили сифатида танийди. Билмаганларга эса маълумот: у кураш бўйича жаҳон чемпиони, 1999 йили Термиз шаҳрида ўтказилган Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир бош соврини соҳиби Тоштемир полвон Муҳаммадиевнинг тўнғич ўғли.

— Фарзандларимга ҳам, шогирдларимга ҳам бир гапни бот-бот такрорлайман: Алпомишнинг шиддати ҳамма билди. Аввалиги кунни Дие́ра Келдиёрова Барчиной афсона эмалигини исботлаган бўлса, Алпомишнинг тўқима эмалигини ўғлим Музаффарбек исботлади. Шу кунларда замонамизнинг Алпомишу Ойбарчинойлар юрт байроғини жаҳон узра мағрур кўтармоқда. Бу мамлакатда спортга қаратилаётган эътибор натижаси, — дейди Тоштемир полвон Муҳаммадиев. — Ярим финалгача баҳсларни алоҳида ишонч билан кўрдим. Ўғлимнинг билганида кучи бор, услубларини билади, ақли ҳаракатларни бажара олади. Ярим финалда мағлуб бўлган рақибдан ҳеч ҳам қучсиз эмасди, назаримда. Менимча, ёш полвонга катта давранинг салобати бир оз сезилди. Кейин бронза медалга эришиши инганини устидан ўтиргандек кузатдим. Бу ерда шаън турибди. Элининг, юртининг, ҳатто Тоштемир полвоннинг шаъни турганди. Ўғлим эглади.

Музаффарбек ва укаси Ўткирбекнинг болалиги тоғ қишлоқларида отасининг қабаида юриб, кураш тушиши билан ўтди. Ака-ука биринчи мурабийи — отасидан кураш услубларини, ҳалолликни, жўмардликни, шаън учун майдонга чиқишни ўрганди.

Тоштемир Муҳаммадиев 1999 йили кураш бўйича оғир вазада мутлақ жаҳон чемпиони, халқаро миқдосдаги спорт устаси бўлган. “Эл-юрт хурмати” ордени билан мукофотланган.

Уша йилларда Тоштемир полвон доврўқ солиб, кураш давраларини қизитган ва қатор совринлар олган бўлса, орадан чорак аср ўтиб, фарзандларини нуфузли турнирларда дунё полвонларининг курагини ерга теккизмоқда.

Ота учун фарзандининг ютуғи билан фахрланишдан ҳам ортиқ бахт бўлмас керак. Музаффарбек Тўрабоевнинг бронза медал учун курашдаги галабасини отаси ва онла аъзолари катта хурсандчилик билан кутиб олди.

Сурхон ҳоқиси дунёга машҳур полвонларни доимо етиштириб берган. Улар қаторида даштиғозлик ёш полвоннинг Олимпиадада совриндорлар қаторидан жой олгани яқинлари, тенгдошлари, таниган-билганлар учун катта совға бўлди.

— Болалигимиздан акам билан бирга отамнинг чопони этагини тутиб, кураш мусобақаларига, тўйларга кетардик. Ор талашиб,

Худудлар ҳаёти



ФОРИШДА БЮДЖЕТ ТУШУМИ ИККИ БАРОБАР ОРТДИ



Фориш — худуди жиҳатидан мамлакатимиздаги энг катта туманлардан бири. Туман худуди ҳатто Андижон, Сирдарё, Наманган ва Фарғона вилоятларидан катта. Аммо, асосан, чўл, қўл, тоғ ва адирлардан иборат Фориш яқин йилларгача Жиззах вилоятининг энг қоқоз туманларидан эди. Туман аҳолиси чорвачилик, қисман, боғдорчилик билан шугулланар, ишлаб чиқариш, саноат жуда паст даражада бўлган. Шу боис, туманга бюджет ҳаракатларини қоплаш учун давлат хазинасидан маблаг ажратиб келинган.

Аммо яқинда иқтисодий ўсishi сурьатларини таъминлаш юзасидан биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар ва келгуси вазибаларга бағишланган видео-селектор йилгилишида давлатимиз раҳбари Форишда бюджетда белгиланган тушум миқдорини икки баробар оширган санокти туманлар қаторида қайд этди. Албатта, бу жуда катта натижа.

Ушбу муваффақиятлар сирини билиш мақсадида Фориш туманида бўлди. — Муваффақиятларимиз, аввало, янги Ўзбекистондаги кенг кўламли ислохотлар самарасидир, — дейди туман ҳокими Икром Матиев. — Қолаверса, Президентимизнинг 2019 йил январь ойи охирида туманимизга таширфи фойдаланиш ҳаётида туб бурилиш ясаб, тараққиётга йўл очди, десам муболаға бўлмайди. Давлатимиз раҳбари мажур таширфида Фориш туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туризм салохияти ва лалми ерлардан самарали фойдаланишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан танишиб, туманининг ижтимоий-иқтисодий имкониятларига юқори баҳо берганди. Фориш имкониятлари бўйича энг бой туманлардан

бири эканини, унинг қишлоқ хўжалиги, геология, қайта ишлаш соҳаларидаги салохиятини фойдаланиб, аҳоли фаровонлигини ошириш мумкинлигини таъкидлаганди.

Бундан руҳланган форишликлар таширфидан сўнг белни маҳкам боғлаб ҳаракатга тушди. Фаоллар, тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, тумани ривожлантиришининг аниқ манзилли дастурлари ишлаб чиқилди, уларни амалга ошириш бўйича вазибалар белгилаб олинди. Аввало, ободлик туман марказидан бошланди. Богдон шаҳарчаси замонавий қиёфа касб этди. Кўп қаватли янги турар жойлар, савдо дўконлари, машиий хизмат шохобчалари бунёд этилди.

Қисқа вақт ичида туманда ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилди. Янги ерлар ўзлаштирилиб, деҳқончилик, боғдорчилик ривожланди. Аҳоли учун иш ўринлари яратилди. Форишда ишлаб чиқаришдан махсуслашган, полиз махсусотларини “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи билан хорижга экспорт қилиш йўлга қўйилди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил январь ойида корхонамизга таширфи ва ишлаб чиқариш ҳажми, махсусот турини ошириш



бўйича топшириқлари бизга катта мотивация берди, — дейди “Basalt Uzbekistan” кластери таъсисчиси Алишер Кучкунов. — Нағижда бозордаги талаб, янги хомашё конлари ўрганилиб, Европандан энг замонавий технологияларни олиб келдик. 300 гектар майдонда умумий қиймати қарийб 498 миллион долларлик олтига лойиҳа ташкил этиб, корхонамизни кластерга айлантирдик. Айни пайтда олтига корхонамизда базальт тошидан махсус тола, директ ривинг, фибра, араматура, композит геотўр, қувурлар, мато ва иссиқлик изоляцияси плиталари каби махсусотлар ишлаб чиқаряпмиз. Уларга мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам талаб юқори. Махсусотларимизнинг 80 фоиздан ортигини АҚШ, Европа ва МДҲ

мамлакатларига экспорт қиялғимиз. Биргина ўтган йили 554 миллиард сўмлик махсусот ишлаб чиқардик. Жорий йилда бу кўрсаткичнинг янада оширишини ният қилганмиз. Яқинда Президентимиз кластеримизга таширфи буюриб, фаолиятимизни янада кенгайтириш, сифат сертификатлари олиб, тащқи бозорга, янги давлатларга чиқиш, халқаро қурилиш ва саноат компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Ушбу топшириқлар ижроси бўйича кластеримизнинг янги ривожланиш дастурини қабул қилдик. Дастур асосида 2025 йили базальт тошидан тола ва мато ишлаб чиқариш бўйича қуввати 25 минг тонна бўлган линияни ишга туширамаиз. Махсусотларнинг 90 фоизи

ТЕМИРЎЛЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИ МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Очилбой Раматов, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Зуфар Нарзуллаев темирйўлчилар олдиди вазибалар, истиқболли лойиҳалар ҳақида сўзлади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Ўзбекистон темирйўлчилари томонидан 2 минг 297 километрдан ортиқ темир йўллар қурилди. 4961,3 километр темир йўллар реконструкция қилинди, 2088 километри электрлаштирилди.

Навоий — Учқудуқ — Султон Увайс-тоғ — Нукус, Тошгузар — Бойсун —



Хусусан, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва унинг таркибиди қорхоналар негизида алоҳида йўналишлар бўйича “Темирйўлнингфурқатини”, “Темирйўлларга”, “Темирйўлларга”, “О‘ztemiryo‘lyo‘lovchi” акциядорлик жамиятлари ва бошқа ташкилотлар ташкил этилди.

Шунингдек, болалар оромгоҳлари, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий ва спорт объектларини сақлаш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлардан тушадиган тушумларни ошириш ҳамда уларни босқинча-босқинча ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш бўйича “Темир йўл ижтимоий хизматлар”

муҳим аҳамият касб этади. Табиийки, бу йўл учун кетадиган вақт, ёниғли ва бошқа ҳаракатларнинг ҳам тежаллишига замин яратди. Қолаверса, атроф-муҳит экологиясига ҳам салбий таъсирни қамайтиради.

Соҳа ходимларининг саъй-ҳаракати туфайли юк ва йўловчи ташшида ҳам хавфсизлик тўлиқ таъминланиб, барқарор фаолият кузатиламоқда.

Аҳамиятисиз, амалга оширилаётган ишлар шу соҳа ходимларининг залворли меҳнати билан бўлмоқда. Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замонда қўлга киритилган ютуқлар билан кифояланиб қолиш бўлмайди. Янада катта марралар, вазибалар, буюк лойиҳалар устидан ишлаш давр талаби, тараққиёт қафолати, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши, демократия.

— Темир йўл соҳасида 1985 йилдан буюн меҳнат қиламан, — деди “Ўзвагонтаъмир” акциядорлик жамияти Самарқанд депоси катта устаси, соҳа фахрийси Мансур Мавлонов. — Ишимни чилангарликдан бошлаб, ҳозирда катта устаси вазибалар давом эттириб келяман. Юк ташши вазибаларини таъмирлаш билан шугулланамиз. Ишимиз жуда масъулятли. Соҳа ривожига қаратилаётган эътибор темир йўлларини янада раванк топтиришга хизмат қилмоқда.

— 43 йилдан буюн шу соҳада ишламан, — деди “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш департаменти мутахассиси Мавжуда Нурмухамедова. — Бухоро, Қарши, Тошкент темир йўл узелларида ишладим. Йўловчи, юк ташши, экспорт-импорт ҳажминини ошириш борисида салмоқли ютуқларга эришилди. Айни пайтда ҳали бажарилиши керак бўлган режалар, вазибалар ҳам бисёр.

Тантанали тадбирда соҳада кўп йиллар давомиди самарали меҳнат қилган ходимлар тақдирланди. Сўзга чиққанлар темир йўл ривожига йўналиш қўрсатилаётган эътибор ва ғамқўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Тантанали тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Концертдан сўнг “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ташкил этилганнинг 30 йиллигига бағишланган фильм намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА, Ўза мухбири



15 миллион доллар хорижий инвестиция жалб этилган мажур янги корхонада йилгига 300 минг тонна гидроксид қалъиди ишлаб чиқарилади. Корхона фаолият бошлаши ҳисобига 50 та иш ўрни очилади.

Фориш тумани азал-азалдан ширин-шаркар, тили ёрар узуми ва майизи билан доврўқ таратган. Фориш узуми ва майизи доврўгини қайта тиклаш, уни янада ривожлантириш борисида ишлар давом эттирилмоқда. Бу борада тадбиркор Камол Ҳолматов раҳбарлик қилаётган “Buyuk javohir timsoli” масъуляти чекланган жамияти узумнинг қора кишимши навини йўллатириш учун узумзорлар барпо этипти. Қиймати 600 миллион сўм бўлган лойиҳа ишга тушгач, йилгига 400 минг тонна қора кишимши етиштирилиб, 100 минг доллар қийматидаги махсусот экспорт қилинади.

Жорий йилда туманда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳосибига бир қанча замонавий саноат корхоналари бунёд этилмоқда.

Улардан бири “Jizzax sement” масъуляти чекланган жамиятининг цемент ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Ушбу завод учун 100 миллион доллар миқдорда тўғридан тўғри хорижий инвестиция жалб этилди. Корхона тўлиқ қувват билан фаолият бошлагач, йилгига 1 миллион тонна цемент ишлаб чиқаради ҳамда 120 та янги иш ўрни яратилади.

Туманда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришини янада кўпайтириш мақсадида “Есо sement” масъуляти чекланган жамияти ташкил этилмоқда. Бу ерда йилгига 810 минг тонна цемент ишлаб чиқарилади. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 145 миллион доллар бўлиб, 121 миллион доллар хорижий инвестициядор. Корхона ишга туширилиши ҳисобига 200 кишининг бандлиги таъминланади.

Ушбу янгиланишлар Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар самарасига мисол бўлади. Энг муҳими, Фориш давлатдан дотация олувчи тумандан ўзини маблағ билан таъминловчи иқтисодий бақувват худудга айланди. Туманининг ҳозирги иқтисодий ҳолати ва келажақдаги истиқболли лойиҳалари унинг ёрқин келажағидан дарак беради.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Сайлов — 2024

ИМЗО ТЎПЛАШ ЖАРАЁНИ САЙЛОВЧИЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВИ ИФОДАСИ

Имзо тўплаш нафақат техник процедура, балки муҳим ижтимоий-сиёсий жараён. Чунинчи, имзо тўплаш орқали халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ҳолати ошадди. Мазкур жараёнда фаол иштирок этиш фуқароларга ўз танловининг аҳамиятини тушуниш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита қатнашиш имконини беради. Бу демократик жараёнларни кучайтиради ва фуқароларни сиёсий ҳаётга кўпроқ жалб қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги тегишли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этиш учун сиёсий партиялар томонидан имзоларни тўплаш ва имзо варақалари тўғрисидаги тегишли текшириш тартиби тўғрисида низоом” тасдиқланган. Мазкур ҳужжатда имзоларни тўплаш ҳамда имзо варақалари тўғрисидаги текшириш тартиби белгиланган.



Икhtiёр БЕКОВ, Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори

БУНДАЙ ТАЛАБ НИМА МАҚСАДДА ҚЎЙИЛАДИ?

Сайлов жараёни шароитида имзо тўплашга сиёсий партия фаолиятини жамоатчилик томонидан маъқуллаш ва қўллаб-қувватлаш усули сифатида қаралади. Бошқача айтганда, имзо тўплаш жараёни сиёсий партиянинг аҳоли орасида қўллаб-қувватланаётганини индикаторидир, десак янглишмаган бўламиз. Яъни сайловларда партияни қўллаб-қувватлашга тайёр тарафдорларнинг ҳақиқий базасига — сиёсий кучга эга эканини кўрсатадиган ўзига хос синон бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш, ҳақиқатан, маъсулият, ишонч ҳамда тарафдорлар ва маслаҳатчилик эга бўлиш ҳиссини шакллантириш деганидир. Шунингдек, имзо тўплаш жараёни сайлов кампаниясининг турли босқичида партияни қўллаб-қувватлашни мумкин бўлган фаол тарафдорлар ва кўнгилчиларни саралашга ёрдам беради. Натijaда партиядошлар ўртасида бирдамлик кучаяди. Узаро бир-бирини қўллаб-қувватлаган ҳолда ягона мақсад сари ҳаракат қилинади. Бир сўз билан айтганда, жамоавийлик руҳи шаклланади.

Бу талаблар партияларнинг сайловга тайёргарлигини ва сайловчилар билан алоқасини кучайтиради. Шунингдек, партияларнинг жамиятдаги нуфузини ва сайловчилар қўллаб-қувватлашини кўрсатиб беради.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, имзо тўплаш жараёни сиёсий жиҳатдан етарли тажрибага эга бўлмаган партияларнинг катта рақобат майдонига кириши учун ўзига хос “фильтр” вазифасини бажаради.

ИМЗО ТЎПЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Мамлакатимизда қонун устуворлиги таъминланган. Жумладан, сайлов тизими ҳам тўлиқ миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга асосланган тартибда ташкил этилади.

Шунга мувофиқ, имзо тўплаш жараёни ҳам ҳуқуқий асосга эга. Имзоларни тўплаш тартиби ва имзо варақалари тўғрисидаги Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш тартиби Сайлов кодексининг 38-39 ва 68-моддаларида мустаҳкамланган.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТОМОНИДАН ИМЗО ТЎПЛАШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Сайловчилар битта ёки бир неча сиёсий партияни ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишга ҳақли.

Сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш белгиланган тартиб-таомилларга асосан амалга оширилади. Унга кўра, бу жараён бир неча талабларни қўяди:

— битта маъмурий-ҳудудий тузилма (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри)да сиёсий партия қирқ минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин;

— сайловчилар битта ёки бир неча сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишга ҳақли. Имзо варақасида сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, тутилган йилини, яшаш манзилини, паспорт маълумотларини, шунингдек, имзо қўйилган санини кўрсатади;

— имзо варақасига маълумотлар қўлда ёзиб киритилади. Имзо варақасига ўз имзосини қўядиган сайловчи тўғрисидаги маълумотлар сайловчининг илтимосига кўра имзо тўплаётган шахс томонидан киритилиши мумкин. Бироқ имзони айнан сайловчининг ўзи қўяди;

— сайловчиларнинг имзоларини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайлов олди тадбирларда, шунингдек, ташвиқот



юритиш ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилади; — имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбурлаш ва ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

ИМЗО ВАРАҚАЛАРИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРИЛГАНИ ҚАНДАЙ ТЕКШИРИЛАДИ?

Сайлов билан боғлиқ барча жараёнлар янги тахрирдаги Конституция ва Сайлов кодексига мувофиқ қатъий белгиланган нормалар асосида ташкил этилади. Шунга асосан, сиёсий партиялар томонидан тақдим

этилган имзо варақалари белгиланган тартибда назоратдан ўтказилади. Бу жараён ҳам муҳим мезонлар асосида ўрганилади. Яъни Марказий сайлов комиссиясига текшириш учун қирқ тўрт мингтадан кўп бўлмаган (зарур қирқ минг ва кўпи билан 10 фоиз қўшимча) имзо тақдим этилади.

Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғрисида Марказий сайлов комиссияси томонидан беш кун мuddатда текширилади.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақалари тўғрисидаги текширишнинг Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида иштирок этади.

Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғрисидаги текширишни эксперти гуруҳи тузиши мумкин.

Имзо варақалари танлаб олиш йўли билан ажратиб олинади. Бунда сайловчилар имзоси зарур сонининг камида 15 фоизи (6 мингтадан) ва имзо варақаларига имзо қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар текширилиши лозим.

Текшириш учун сайловчиларнинг ҳар бир сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб қўйган имзоси бир хил миқдорда, ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилма (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри)дан тенг нисбатда танлаб олинади.

Кўйидаги имзолар ҳақиқий эмас деб топилди:

- сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинганга қадар тўланган имзо;
- имзо варақасига сайловчи тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ киритилмасдан, шу жумладан, санаси кўрсатилмасдан қўйилган имзо;

— сайлаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан қўйилган имзо;

— бошқа шахс номидан қўйилган имзо;

— Марказий сайлов комиссияси томонидан берилган имзо варақаларидан бошқа имзо варақаларига қўйилган имзо;

— сайловчининг имзоси ҳамда у ҳақда маълумотлар қалам ва бошқа ёзув курули ҳисобланмайдиган воситалар билан киритилган имзо;

— имзо варақасида кўрсатилгани лозим бўлган маълумотларга тузатишлар киритилган ҳолда қўйилган имзо.

Мазкур амалиёт партияларнинг сайловдаги юқори марраларни эгаллашга қаратилган шижоатини ва сиёсий курашга тайёргарлигини синондан ўтказиш мақсадида жорий этилган.

Шунингдек, бу жараён сиёсий партиялар ва дастурлари тўғрисида сайловчилар хабардорлиги ошишига ёрдам беради. Тўпланган имзолар сони жамиятда партиянинг образини янада кучайтириши мумкин. Умуман, сиёсий партияларнинг сайлов пойғасида сайловчилар олдига ўз сиёсий позициясини мустаҳкамлашга замин яратлади.

Тўпланган имзолар сони жамоатчилик ишончи ва қўллаб-қувватлашнинг кўрсаткичи сифатида кўриб чиқиши шубҳасиз. Бу партияларнинг сўнгги беш йиллик фаолиятини, олдинги сайловларда берган ваъдалари бажарилишини объектив ва умумий баҳолашнинг ўзига хос шакли бўлиб, уларнинг жамият манфаатлари ва эътиҳорларига қанчалик яқинлигини кўрсатади ҳамда партиялар мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий стратегиянинг муҳим қисмидир.



“ЯШИЛ” ҚУВВАТ



Лутфулла СУВОНОВ, Янги Ўзбекистон” мухбири

ЭНЕРГЕТИКА ХАВФСИЗЛИГИ, СУВ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ

Мамлакатимизда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, электр энергиясини ишлаб чиқаришда табиий газ сарфини камайтириш, гидроэнергетика имкониятидан фойдаланишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу юрдошларимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш, иқлим ўзгаришларининг салбий таъсирини камайтириш каби мақсадларга хизмат қилади.

бўлган гидротўплаш электр станцияларини қуриш назарда тутилган.

— Айни пайтгача гидроэлектростанциялар умумий қуввати 2228 мегаватт эди, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ етакчи мутахассиси Аюбхон Мусулмонқулов. — Энди бу қувват салкам икки ярим баробар оширилади. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитларни жалб қилган ҳолда умумий қуввати 449 мегаватт-ли 9 та гидроэлектростанция қурилиши ва модернизациясига доир лойиҳа ҳужжатлари

тайёрланган. Хитой билан ушбу лойиҳаларни амалга ошириш бўйича музокара оlib борилмоқда. Лойиҳаларнинг бештаси мавжуд гидроэлектростанцияларни модернизация қилиш, қолганлари янги қурилишни назарда тутди. Модернизация қилинаётган гидроэлектростанцияларнинг аксарияти эски, базилари 50-60 йил олдин фойдаланишга топширилган. Шунинг учун ҳам станциялар технологик жиҳатдан яроқсиз ҳолга келиб қолган, бошқача айтганда, жиддий таъмирга муҳтож.



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 июлдаги “Гидроэнергетика соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини жадаллаштириш тўғрисида”ги қароридан ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга қаратилган вазифалар белгиланди. Жумладан, 2028 йил якунига қадар гидроэлектростанциялар умумий қувватини 5508 мегаваттга етказиш, шу жумладан, умумий қуввати 1600 мегаватт бўлган гидротўплаш электр станцияларини қуриш назарда тутилган.

Қарор билан 2024-2028 йилларда гидроэнергетика соҳасини янада ривожлантириш зосасидан чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Унда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан умумий қуввати 1018 мегаватт бўлган гидроэлектростанциялар қуриш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати, 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитларни жалб қилган ҳолда умумий қуввати 449 мегаватт-ли гидроэлектростанцияларни қуриш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича “йўл

харитаси” ҳамда гидроэнергетика соҳасида хусусий инвесторлар иштирокидаги умумий қуввати 2275 мегаватт-ли инвестиция лойиҳалари назарда тутилган.

— Ҳужжатга мувофиқ, хусусий инвесторлар иштирокида гидротўплаш электр станциялари ҳам қурилади, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ мутахассиси Миромил Расулов. — Уларнинг умумий қуввати 1600 мегаватт бўлиб, куннинг тизим вақти, яъни истеъмол ҳажми ошган пайтларда электр энергияси етказиб беришга мўлжалланган. Муҳим жиҳати, бу ишоотлар тармоқдаги мавжуд ортқича электр энергиясини сақлаб қўйиш вазифасини бажаради.

Гидроэлектростанцияларни қуриш ва улардан фойдаланиш учун зарур ускуна ҳамда эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилади. Шунингдек, саноат кооперацияси орқали босқичма-босқич ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Лойиҳаларнинг ҳар бирида ўзига хослик мавжуд. Масалан, Қуйи Чотқол гидроэлектростанцияси қурилишида республикада биринчи марта махсус бетон қоринчалардан фойдаланилади. Шу билан бирга, мамлакатимиздаги ilk бетон типиди мустаҳкам тўғон барпо этилади.

Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши тармоқнинг илмий ва ишлаб чиқариш имкониятини ошириш, минглаб хонадонлар ва янги корхоналарни “яшил” энергия билан таъминлашга хизмат қилади.

2024 йил 3 август, 155-сон

Бошланиши 1-бетда

Жорий йилнинг 6 июнь куни эса Пекин шаҳрида “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бўйича стратегик лойиҳани амалга ошириш тўғрисида”ги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Маросим иштирокчиларига уч мамлакат раҳбарлари ўз мурожаатларини йўллади. Давлатимиз раҳбари ушбу муҳим инфратузилма лойиҳасини амалга ошириш бошланаётгани минтақамизда иқтисодий ва транспорт жиҳатидан боғлиқликни кучайтиришга қаратилган тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

— Мазкур темир йўл Хитойни минтақамиз билан боғловчи энг қисқа қуруқлик йўлига айланади. Келгусида ушбу йўл мамлакатларимизга истиқболли трансферт йўлига орқали Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ давлатларининг кенг бозорларига чиқиб имконини беради, — деди Президентимиз ўз мурожаатда.

Таҳлилларга кўра, ушбу йўлда йиллик юк ташини ҳажми 15 миллион тоннагача етади. Товарларни яқиний истеъмолчиларга етказиш



Ислохотлар самараси

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ПЎЛАТ ЙЎЛАГИ

МАМЛАКАТИМИЗ ВА МИНТАҚА РИВОЖИГА КАТТА ҲИССА ҚўШАДИ



Бунёдкорлик жараёни айна пайтда ҳам қизгин кечмоқда. Хусусан, 465 километрли Бухоро — Урганч — Хива ва 196 километрли Мискин — Нукус темир йўл линияларини электрлаштириш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.



Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани тоғли ҳудудларига қулай транспорт тизимини яратиш мақсадида 68,6 километрга тенг “Тошкент — Чирчиқ — Ҳожикент станциялари бўйлаб тезюрар электропоездлар ҳаракатини ташкил этиш” лойиҳаси рўёбга чиқарилмоқда.

муддати эса 7 кунга қисқаради. Бундан ташқари, замонавий транзит ва логистика инфратузилмаси, омборхоналар, терминаллар, ўн минглаб иш ўринлари яратилади. Узаро товар айирбошлаш ҳажми ва саноат кооперацияси кўлами, инвестицион жозибадорлик ўсиб, мамлакатлар фаровонлиги ортади.

Хозирги кунда Ўзбекистон замонавий транспорт коммуникациялари ва юксак транзит салоҳиятига эга давлат сифатида халқаро темир йўлларнинг муҳим ҳалқасига айлангани мана шу лойиҳа мисолида ҳам яққол кўзга ташланади. Мамлакатимиз темир йўл тизимини модернизация қилиш, соҳага хорижий инвестицияларни йўналтирган ҳолда йирик ва истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётгани бунда катта аҳамият касб этапти.

Президентимиз таъкидлаганидек, янги темир йўл Хитой билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириб, мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини қучураштиришга

хизмат қилади. У Хитойни минтақа билан боғловчи энг қисқа қуруқлик йўлига айланади, — дейди “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи ўринбосари Азиз Абдиев. — Умуман олганда, тизимдаги ислохотлар ана шундай йирик лойиҳаларни рўёбга чиқаришга мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Жумладан, мустақиллик йилларида темирйўлчиларимиз томонидан 2297 километрдан ортиқ темир йўл қурилган бўлса, 4961,3 километр темир йўл реконструкция қилинди, 2088 километри эса электрлаштирилди.

Навоий — Учқудуқ — Султон Увайистог — Нукус, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон, Ҳайратон — Мозори Шариф, Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли, Қамчиқ темир йўл туннели қурилди, Бухоро — Мискин, Мароканд — Қарши, Қарши — Термиз каби темир йўл участкалари электрлаштирилди.

ридли. Пировардида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибида янги тузилмалар ташкил этилди. 29 та ноҳақ объект тизим тасарруфидан чиқарилиб, тегишли вазирлик ва давлат идораларига бириктирилди. 7 та станцияда 10 та қўшимча йўл қурилиши ҳисобига уларнинг ўтказувчанлик қуввати 30 фоиз ошди. Ички йўналишларда юк етказиб бериш вақти 59 фоиз қисқартирилди. Қозоғистон — Ўзбекистон чегарасидаги Оққўприк темир йўл ўтказиш пунктда қўшимча 2 та йўл қурилди. Натижада ушбу станцияда поездларни қабул қилиш қуввати 28 жуфтдан 40 жуфтга етказилди.

Дишлод УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ГЎШТ НАРХИ ОШГАНИ ҲАҚИДАГИ ХАБАРЛАР АСОСЛИМИ?

Бошланиши 1-бетда

— Хабарларни ўқигач, одамларда эътироз ва саволлар кўпайгани рост, — дейди Тошкент шаҳри Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси мутахассиси Ўткир Отабоев. — Вазиятга оидлик киритиш мақсадида дарҳол чоралар кўрилади, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси мутахассислари томонидан Тошкент шаҳридаги иختисослаштирилган сўйиш корхоналари (замонавий қушхоналар)даги чорва моллари гўштининг нархи ўрганилди. Жараёнда ижтимоий тармоқлардаги хабарлар мутлақо асоссиз экани аниқланди, гўшт нархлари аввалги ҳолатида сақланиб тургани маълум бўлди. Яъни айна кунларда пойтахт қушхоналарида 1 кило қорамол гўшти сифатига қараб ўртача 65 минг сўмдан 78 минг сўмгача, 1 кило қўй гўшти ўртача 72 минг сўмдан 85 минг сўмгача сотилмоқда.



QR-KOD ORҚALI ВИДЕОГА ЎТИНГ.

Хабарларнинг тарқалиши сабабига келсак, бу бир қанча омиларга боғлиқ бўлиши мумкин. Шулардан бири айрим тадбиркорлар томонидан нархнинг ўзбошимчалик билан сунъий тарзда оширилгани. Масалан, қўзи-чоқ гўшти нархлари ошгани ҳақида айтилади. Аслида, ҳозир қўйлар қўзиладиган пайт эмас, бу эрта баҳорда бўлади. Балки бир-икта кеч тутилган қўзини тадбиркорлар қимматта сотаётгандир. Ҳозир бозор иқтисодиёти шароити ва тадбиркор маҳсулот нархини эркин белгилаш ҳуқуқига эга, аммо мавжуд талаб ва меъёрларни инобатга олган ҳолда, албатта. Бироқ бозорларни ўрганишимизда нархнинг кескин кўтарилишини кузатмадик, гўшт аввалги қийматда сотилапти. Ишиблармонлар ҳам барқарор нархни сақлаган. Гап шундаки, ҳозир бозорда рақобат катта, тадбиркор бошқаларга нисбатан маҳсулот нархини ўта ошириб юборса, харидорларни йўқотиши мумкин. Шунинг учун одатда бир маҳсулот нархлари бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Қолаверса, бозорлардаги гўшт нархи қушхоналарга ҳам бевосита боғлиқ. Қушхоналарда эса гўшт нархи охириги бир ойда нари борса 3-5 минг сўмга кўтарилиган, ундан кўп эмас.

Чет элдан гўшт кириши камайган деган гапларга келсак, бу ҳам ҳеч қандай асосга эга эмас. Тўғри, бизга хориж, хусусан, Беларусь, Қозоғистон, Ҳиндистон, Қирғизистондан гўшт импорт қилинади ва бу жараён одатдаги тарзда давом этапти, тўхтагани ҳам, камайгани ҳам йўқ. Импорт камайган тақдирда ҳам бу юртимиз аҳолисини гўшт билан таъминлашга сезиларли таъсир кўрсатмайди. Чунки биз истеъмол қиладиган гўштининг 96 фоизи ўзимизнинг фермер хўжалиқларимиз томонидан етиштирилади ва шунинг ўзи халқимизнинг гўшт маҳсулотларига эҳтиёжини тўлиқ таъминлайди. Хориждан олиб келинадиган бор-йўғи 4 фоиз маҳсулотдан эса, асосан, қайта ишлаш цехларида фойдаланилади. Четдан гўшт олиб кирадиган тадбиркорлар фаолиятини тўхтатгани йўқ, жараён узвий давом этапти.

НАРХНИ КИМ БЕЛГИЛАЙДИ?

Халқимиз азалдан чорвачиликнинг ҳадисини олган, ҳар ҳолда бу меҳнат машғулотига бизга бегона эмас. Гўшт истеъмолида қатъий чекловлар қўймаслигимиз, ушбу маҳсу-

лотни парранда гўшларига нисбатан севиб тановул қилишимиз боиси ҳам шунда бўлса керак. Қолаверса, кейинги йилларда мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори чорвачилик тармоғини ривожлантириш, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини доимий таъминлаш, бозорларда нархни барқарор сақлаш чоралари кучайтирилган. Катта-катта лойиҳалар амалга ошириляпти, шу йўналишда тадбиркорлар сонин ортмоқда. Маълумотларга кўра, кейинги уч йилда соҳада 5,5 мингдан ортиқ лойиҳа ишга тушириляпти, чорвачилик субъектлари сони 19 мингдан зиёда етказилди. Бу 2019 йилдагига нисбатан 2 баробар юқори кўрсаткич. Жорий йил бошида эълон қилинган маълумотларга кўра, юртимизда гўшт ишлаб чиқариш (тирик вазнда) 2,8 миллион тонна, сут 12 миллион тоннани ташкил этди. Рақамлардаги ўсишлар кишини қувонтиради, албатта. Аммо буларнинг бозор нархларига таъсири, аҳоли ҳамёнига мослиги одамларга кўпроқ қизиқ. Юқорида таъкидланганидек, савдо ристалари ва дўконлардаги гўшт нархини бевосита қушхоналардаги нарх-наво белгилаб беради. Шу боис, ижодий

Кун мавзуси

жамоамиз билан биргаликда пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги “Абдурахим — Ҳожиқабар” хусусий корхонасида бўлиб, айна пайтдаги нархлар билан қизиқдик. — Қушхоналар ўртадаги хизмат кўрсатувчи ташкилот бўлиб, нархларни одатда бозор талаби, аҳоли эҳтиёжи, чорва моллари сифати қараб белгилайди. Одатда гўшт нархи кўтарилиши эм-хашак қимматлашиши, чорва молларининг вилотдан етиб келиш харажатларига боғлиқ, Назаридда, ҳозирча нархларни оширишга ҳеч қандай асос йўқ. Мутахассислар ҳамда қушхона ҳодимларининг “Гўшт нархи ошмади”, деган гапини эшитиб ҳам бунга қаноат қилмасдан деҳқон бозорига йўл олдик. Холис одам сифатида айта оламани, сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам нарх ошмаганини таъкидлади. Ҳатто айримлар бу ҳақда умуман эшитмаганини айтиб, ҳайрон қолди. — Ҳайрон кунларда гўшт нархи ошганини билмайман, бу ҳақда бирор гап ҳам йўқ, — деди сотувчилардан бири. — Қўй гўштининг бошланиши нархи аввалгидек 78 минг сўмдан.

— Хабарларни ўқигач, одамларда эътироз ва саволлар кўпайгани рост, — дейди Тошкент шаҳри Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси мутахассиси Ўткир Отабоев. — Вазиятга оидлик киритиш мақсадида дарҳол чоралар кўрилади, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси мутахассислари томонидан Тошкент шаҳридаги иختисослаштирилган сўйиш корхоналари (замонавий қушхоналар)даги чорва моллари гўштининг нархи ўрганилди. Жараёнда ижтимоий тармоқлардаги хабарлар мутлақо асоссиз экани аниқланди, гўшт нархлари аввалги ҳолатида сақланиб тургани маълум бўлди. Яъни айна кунларда пойтахт қушхоналарида 1 кило қорамол гўшти сифатига қараб ўртача 65 минг сўмдан 78 минг сўмгача, 1 кило қўй гўшти ўртача 72 минг сўмдан 85 минг сўмгача сотилмоқда.

минг, совлиқ қўй 65-70 минггача сўйиляпти. Бозорга олиб чиқилганидан кейин эса нархни тадбиркорнинг ўзи белгилайди. Одатда гўшт нархи кўтарилиши эм-хашак қимматлашиши, чорва молларининг вилотдан етиб келиш харажатларига боғлиқ, Назаридда, ҳозирча нархларни оширишга ҳеч қандай асос йўқ. Мутахассислар ҳамда қушхона ҳодимларининг “Гўшт нархи ошмади”, деган гапини эшитиб ҳам бунга қаноат қилмасдан деҳқон бозорига йўл олдик. Холис одам сифатида айта оламани, сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам нарх ошмаганини таъкидлади. Ҳатто айримлар бу ҳақда умуман эшитмаганини айтиб, ҳайрон қолди. — Ҳайрон кунларда гўшт нархи ошганини билмайман, бу ҳақда бирор гап ҳам йўқ, — деди сотувчилардан бири. — Қўй гўштининг бошланиши нархи аввалгидек 78 минг сўмдан.



Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Маҳсулот етарлича, фермерлар мунтазам етказиб берапти. Менимча, бу борада етишмовчилик бўлмаса керак, чунки чорвадор фермерларимиз етарлича маҳсулот етиштиряпти. Нархта келсак, буни кўпроқ қасбоб белгилайди, бозорда шунга қараб сотилади. Қушхоналарда нарх кўтарилса, бизда ҳам ошади. Лекин нархлар ошмагани яхши. Чунки маҳсулот қанча арзон бўлса, харидор шунча кўп бўлади, 20 кило ўрнига 40 кило сотамиз. “Мол гўштини одатдагидек 70 минг сўмдан оляпман. Нархлар ёмон эмас, маҳсулот сифати ҳам қониқтирапти. Нархлар ошганини, тўғри, сезмадим. Ҳар ҳолда, доимий маҳсулот харид қиладиган дўконимда нарх аввалгидек”, деди харидорлардан бири. Бошқалар ҳам нарх ошгани ҳақида эшитмаганини айтиди. Бир аёл эса ўзи ҳам бозорда савдо қилар экан: “Гўшт дўконини олдига савдо қилдим. Нарх ошди деган гап йўқ. Гўштни доим 85 минг сўмдан оламман. Лаҳм гўшт 100 минг сўмдан. Анча вақтдан бери шу нарх сақланиб турибди. Бундан бунга ҳам ошмасин”.

Биз ҳам нарх ошмаслиги тарафдоримиз. Бозор иқтисодиётининг муҳим талаби нарх барқарорлигини сақлаш ҳисобланади. Бу бозорда рақобат муҳитини таъминлаш, хусусий корхоналар сони ошиши ҳисобига бўлади. Ана шу рақобат муҳити шаклланиши ортдан сўнгги вақтларда юртимизга музлатилган гўшт маҳсулотлари ҳам кириб келмоқда. Одамлар унинг таъми фарқини дарҳол пайқайди. Чунки муздан эритиб ишлатилган гўшт таъми барбери янги сўйилганидек бўлмайди. Мутахассиснинг изоҳлашича, одатда айрим давлатларда истеъмолдан ортиқча гўшт музлатилиб сотилади. Нафақат бизда, балки хорижда ҳам бундай гўшт нархи арзонроқ бўлади. Аммо унинг ҳам ўз харидорлари бор. Юртимизга олиб кириляётган музлатилган гўшдан, асосан, қайта ишлаш цехлари фойдаланади. Ресторан ва ошхоналарда ишлатишда эса аҳоли талаби инобатга олинади. Умуман, чорва моллари етиштириш ва халқимизга гўшт етказиб беришда танқислик йўқлигини билиб олдик. Гўшт нархлари ошгани борасидаги хабарлар асосли эмаслиги кўринди. Аммо бу нарх доим шундай сақланади, дегани эмас. Бундан кейин ҳам нархларни барқарор ушлаш чораларини қатъий давом эттириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун соҳада янгидан янги лойиҳалар ишга туширилишида давом этади. Жорий йил охиригача 694 та лойиҳа амалга оширилиб, қорамоллар сони 14,4 миллион бошга, қўй-эчкилар 24,8 миллион бошга, паррандалар 119 миллион бошга етказилиши, 3 миллион тоннага яқин гўшт ишлаб чиқариш кўзда тутилган.



Дунё бўйлаб

“МЕНИ ЎЗБЕКИСТОНГА ОЛИБ КЕТИНГ, ЮРТИНГИЗГА МАФТУН БЎЛДИМ”



Шахрибону ИМОМОВА, журналист

Маданият вазирлиги ташаббуси билан бир гуруҳ маданият ходимлари Хитойга борадиган бўлди. Қадимий қўлёзма манбалар азалдан Марказий Осиё ва Хитой ўртасида мунтазам алоқалар бўлганини тасдиқлайди. Бугун Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дипломатик алоқалар янги босқичга кўтарилган. Мамлакатимиздаги очик, дўстона ташқи сиёсат сабаб савдо-иқтисодий алоқалар билан бирга маданий ҳамкорлик ҳам кенг қулоқ ёймоқда.

воситалари хизматингизда. Бизни Речел исми қиз кутиб олди. Лифт орқали учинчи қаватга чиқдик, сўнгра катта трассага тушдик. Аэропорт худудидан чиқиб, меҳмонхонага йўл олдик.

КЎҲНА ВА НАВҚИРОН ДИЁР

Хашаматли меҳмонхонанинг шинам, оёйишта ва барча қўлайликларга эга хона гардеробига кийимларимизни жойлаштиришга улгурмай, “Ҳамма дарсга” деган чорлов келди. Апил-тапил дарсга йўл олдик, ўқш жойи меҳмонхонадан юз метр нарида жойлашган эди. МДХ мамлакатлари, Греция, Нигерия, Кения, Болгария, Миср, Ироқ каби давлатлар вакиллари ягона мақсад ва мудо-даво бир даврага жам қилганди.

Илк сабоқ бошланди. Хитой маданияти, санъати, адабиёти, кўҳна имлоси — иероглиф кимни қизиқтирмайди дейсиз? Езув устaxonасида ҳар бир тингловчи хитойча буррам-буррам имлони қоғозга туширди. Бу имлода иероглиф шакли турли комбинацияларда такрорланувчи бирдан ўттиз олтитагача бўлган стандарт чизиқдан ташкил топади экан. Ҳозирги пайтда милoddан аввалги биринчи, иккинчи асрларда ишлаб чиқилган “кай шу” хусниҳат туридан кенг фойдаланилмоқда ва у саккиз-ўн мингтани ташкил қилади. Хитой ёзувида иероглифларнинг умумий сон олтинчи мингдан кўпроқ бўлиб, шундан тахминан тўқсон олти фоизи мураккаб (икки ва undan ортиқ қисмдан тузилган) ва тўрт фоизи содда (фақат бир қисмдан иборат) иероглиф ҳисобланади. Бир-биридан қизиқarli маълумотлар билан танишар эканми, Чин мамла-кати ҳақидаги умумий тасаввуримиз тобора кенгайиб борарди.

шуғулланаётганини кўриб, тўғриси, ҳайра-тимизга ҳайрат қўшилди. Юз-кўзларидан ёғилиб турган ғайрат-шижоат улар ҳали кексаликни тан олмаганини билдириб турарди.

Шаҳарнинг раво, серқатнов, автомаши-на оқими узилмайдиган кўчалари, сўлим хиёbonлари, ландшафт дизайни, анвойи гуллари бизни ҳар дақиқада ўзига мафтун этарди.



— Диёримизда ҳар бир инсоннинг умр давомийлигини узайтириш учун шарт-шарoит етарли. Олтинчи-етмиш ёш бизда кексалик даврининг бошланиши эмас, аксинча, энг куч-ғайратта тўлган фаслидир. Масканимизда иш-тирокчиларнинг таъби, қизиқиши, мойилиги ўрганилиб, шунга яраша тўғаракка йўналти-рилади. Ким рақсга, ким шахмат-шахсатга, расм чизишга, тикишга, тўқишга, пазанд-ликка, хулас, тўғараки ихтиёри танлаши мумкин. Барча фаоллар учун ойлик маош бел-гиланган. Ахир моддий манфаатдорлик кимни қизиқтирмайди, — дейди марказ раҳбари. Қойил! Ҳам шуғулланади, ҳам ойлик ола-

Мехмонхонага қайтгач, йўлбошловчимиз эртага Хужжо вилоятига уч кунлик саёҳат уюштирилиши, туристик шаҳарнинг диққат-га сазовор объектлари билан танишишимизни айтганида, қайфиятимиз тоғдек кўтарилди.

АНЖИ — ЯШИЛ ШАҲАР

Кўҳна Хитой худудининг қай манзили, қай шаҳарга борманг, сизни таажжубга солади. Халқ тadbиркор, уддабурон, ишбилармон, йўқдан йўндиради. Айтишларича, бу ўлкада нимадир ишлаб чиқарадиган олинган ўзи йўқ экан. Анжи Пекин шаҳридан батамом фарқ қила-ди. Тоғ, дала, адир, қаерга боқманг, ястаниб ётган ям-яшил чой плантациялари! Биз харид қиладиган хитой кўк чойи шу маконда етиш-тирилган экан.

Анжи — жадвал ривожланиб бораётган эко-логик туман. У милoddий 185 йилда вужудга келган ва “Қўшиқлар китоби”да “Тинчлик ва хайрли маскан” маъноси билан аталган. Анжи БМТнинг “Ҳабитат Фахрий Ссроли” мукофоти-ни қўлга киритган. У Хитойнинг биринчи эко-логик округи ва цивилизациясини қўриш бўйича ягона тажриба туманларидан бири. Шунингдек, у Чин ўлкасининг биринчи бамбук шаҳри, пой-тахти, стул уйи сифатида обрў-этибор қозон-ган. Айна пайтда Анжи Барқорор ривожланиш тажриба зонаси, мамлакат қишлоқ хўжалиги ва туризмнинг биринчи кўргазмали туманига айланган. 2008 йилдан бери Анжи “Хитойдаги гўзал қишлоқ” қурилишини ҳар томонлама ис-ботлаб келмоқда. Бой ресурсдан фойдаланиб, чой майдонларини яратган, ипакчиликни йўлга қўйган, бамбук етиштириш бўйича рекорд на-тижаларга эришган.

Ўз шаҳарчаси билан ерли аҳоли ҳақли ра-вишда фахрланади. “Анжи оқ чойи” Шарқий Хитой ўрмон бўйидаги биржасида рўйхатга олинган биринчи чой брендига айланди. Шаҳар кўчалари бўйлаб одимлай-миз. Бир-бирига ўхшаш ҳовли-жойлар диққат-этиборимизни тортади. Тор-танқис

йўлларда машина бемалол ҳаракатлана олмай-ди. Кўча бошида ер ости автотураргоҳи мавжуд. Бир хонадон соҳиби бизни кечки овқатга таклиф қилди. Ипак матолар, Хитой миллий либослари, чой ичишга мўлжалланган идиш-лари томоша қилдик. Хонадонда чой ичиш учун махсус бўлма мавжуд. Безатилган дас-турхонда курка, товуқ, эчки гўштидан тай-ёрланган тансиқ таомлар. Очик осмон остида оқиб дастурхон!

ЧОЙНИНГ ВАТАНИ

Хитой қадим-қадимдан чойнинг ватани, бугун эса зироатчиликнинг бу тури янада гул-лаб-яшнамоқда. Ота-боболари эккан-тиккан ўсимлик Хитой халқи учун ардоқли ва мўъта-бар. Сайёҳларга мақтангиси келадди уларнинг. Чор тарафи очик улвога миниб, тоғу тошлар бўйлаб жадаллади. Кўз ўнгимизда ястаниб ётган чой далалари. Унинг эклишидан тор-тиб, парвариш қилинишио йиғиб-теришлиши, ҳаттоки қадокланишигача қизиқамиз. Чой азал-азалдан хитойликларнинг мил-лий ичимлиги ҳисобланади. Ўсимлик ҳақида-ги маълумотлар эрамиздан аввалги 2700 йилга доир қўлёзмаларда сақланиб қолган. Хитой манбаларида чой ризқ-рўз неъматлари қатори-га кирувчи аччилик, дея таърифланган.

Бир қанча аёлларнинг қўлга сават илиб, чой тeраётганини кўрдик. Териш жараёни қизгин. Ўсимликнинг “тирик”, яъни кўкариб турган қисми алоҳида терилгани учун олий нав ҳисобланар экан. Поянинг пасти қис-мидаги етилган чой барглари ҳам қўл билан бирма-бир терилди. Йиғиб олинган япроқ офтоб нурида қуритилмай, аввал махсус қо-зонга солиниб, чанг тушмаслиги учун тўр ёпилар экан. Қуритилган кўк чой махсус қо-зонда қовурилгач, қора чойга айланади.

Чойнинг жасмин, сакура, лаванда, кўк, қизил, сариқ, қора каби бир қанча навлари бўлиб, бири асабини тинчлантиса, бири ош-қозон-ичкак микрофлорасини яхшилайди. Чойнинг ўндан ортиқ навини татиб кўриб, фарқли жиҳатларини билиб олдик. Чой майдонларига туташган чоғроққина музейнинг миллий нақшлар билан безатилган эшиги томон одимладик. Музейда чой тарихи, дастлабки етиштирилган навлари, йиғиш-те-риш техникаси билан боғлиқ видеороликни томоша қилдик. Ҳар куни неча бор чой ичар-канмиз-у, унинг не-не машаққатлар билан етиштирилиши ҳақида билмас эканмиз.

Навбатдаги манзил — Анжи экологик музейида кўп-лаб тарихий ёдгорликлар сақ-ланмоқда. Мамлакатнинг энг нуфузли эко-логия музейида қадимий хитой халқи тур-муш тарзи, иш қуроллари, рўзгор буюмлари ўрин олган. Маҳаллий урф-одатларни турли экспонатлар орқали ўзиде акс эттирган ушбу маданият масканини тарқ эттимиз келмасди. Афсуски, вақтимиз чекланган...

ЖОНИВОРЛРСИЗ ЦИРК САНЪАТИ

Маълумотларга кўра, Хитой цирки икки минг йиллик тарихга эга. Дунё давлатлари циркида от, шер, йўлбарс, иг, маймун, мушук каби жониворлар билан томоша уюштирилса,

Хитойда бунақа анъана йўқ, Биз Пекинда цирк томошоларига мўлжалланган бинога кириб бордик. Хитойнинг машҳур цирк босмаси од-дий, хашаматдан холи, лекин ичкарида зал-нинг мухлисларга тўлиб-тошганини кўриб, жонивор иштирокисиз санъатнинг бу турига хитой халқи беҳад қизиқшини англадик.

Дарвоқе, Хитойда куннинг исталган вақ-тида катта майдон ва йўлақлар қўнғилили спортчиларга тўлади. Ёшидан қатъи назар, ҳамма фаол жисмоний ҳаракат билан шуғул-ланади. Шу тўғрйли ортиқча вазнлилар деяр-ли учрамайди. Аксарият хитойликларнинг қо-мати тик, ғайрат-шижоатли.

МУЗЕЙДА СОҲИБҚИРОН ПОРТРЕТИ

Галдаги саёҳатимиз уч қаватли давлат му-зейида давом этди. Хашаматли, салобатли му-зейида шарофига бунёд этилган бўлиб, ҳар бир экс-понат у йиллар давомида юритган сиёсатдан сўзлайди. Диққатга сазовор жойи шундаки, музейда Хитойнинг бошқа давлатлар билан ўрнатган халқаро ҳамкорлиги акс этган. Хусу-сан, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов-нинг Хитой Президентига берган тўғрфалари музей экспонатига айланган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга ташрифи, икки давлат раҳбари ўртасида имзоланган бит-тим ва меморандумларни кўриб, фахрландик. Буюк Соҳибқирон Амир Теурунинг сурати Хитой музейида сақланаётган экан. Тасанно! Демак, хитойликлар бизнинг буюк аждодла-римизни ҳурмат қиладди, уларни тан олади...

Саёҳатимиз охирида ҳар бир жамоа ўз ма-данияти, санъати, миллий либослари, таом-лари, тарихий обидалари ҳақида тақдирот қилиб бериши керак эди. Ўзбекистонликлар-нинг видеоролиги тайёр: эҳхе, уни кўрган киши халқимизнинг бой тарихи, миллий урф-одатлари, янги Ўзбекистоннинг бутунги қиё-фаси ҳақида бир олам таассуротга эга бўлади.

Ниҳоят, орзиким кутилган дақиқалар... Континентал эклим кечадаги Ўзбекистон ҳа-қидаги видеоролик намойиши. Киши қишга, ёзи эга ўхшайдиган она дийримизни, тўғриси, жуда соғинган эдик. Гўёки видеоролик орқали унинг бағрига қайтгандек бўлдик. Сафардош-ларимизнинг мамнун хечрасига қараб билдик-ки, улар тасвирдаги лавҳалар орқали Ўзбеки-стонга боришни оруз қилмоқда. “Барчангизни юртимизда кутамиз!” дея ўз тилимизда барла-да чорладик уларни. Аниқсиз, Африкадан кел-ган Зейнабхоним “Мени Ўзбекистонга олиб кетинг, гўзал юртингизга мафтун бўлдим”, де-ганида, очиги, хурсандлигимдан уни кучоқлаб олдим.

Шундай қилиб, сафаримиз “қариди”. Ше-рикларимиздан бири телефонда Шерали Жў-раевнинг “Ўзбегим”, “Сарбон” қўшиқларини кўйди. Бўғизига нимадир тикилгандек бўлди, балки ватан соғинчидир бу... Ҳаво кемаси Ўзбекистонга яқинлашганида, стюардесса бир неча дақиқадан сўнг Тошкент халқаро аэропортига қўнғинимизни маълум қилди. Мана, ниҳоят, самолёт гилдираклари замминизга кўнди. Айюда беҳисоб шукр! Салон узра гулдурор қароқс янгради. Ўзбеки-стонимдан ўргилди, ўзиндан қўймайсин!

Тошкент — Пекин — Анжи — Тошкент

Бу ўз ўрнида халқларни бир-бирига яқин-лаштириш, натижада иқтисод драйвери бўлган туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Хитойга сафаримиздан қўзлан-ган мақсад ҳам тажриба алмашш эди. Айна пайтда уларнинг маданият, туризм соҳасида-ги ютуқларини ўрганиш. Қолаверса, юрти-миз, бой маданий меросимиз ҳақида турли давлатлардан келадиган тadbир иштирокчи-ларига маълумот бериш.

Хуллас, белгиланган вақтда ҳамсафарла-римиз билан Тошкент халқаро аэропортида кўришиб, Чин мамлакатининг баҳайбат ҳаво лайнерига жойлашдик. Илк таассурот: само-лётда ҳар кимнинг таъбига кўра қаҳва, чой, сув каби ичимликлар тарқатилди. Хитой ош-ми берилганида, кўз ўнгимдан бирма-бир ош, норин, манти, ҳалим, шўрва, лағмон ўта бо-шлди. Ўзбегимнинг таомлари нақадар бой, тўйимли, хушхўр.

Самолёт кўнди. Дасин халқаро аэропорти-да йўловчилар у ёқдан бу ёққа ҳаракатланади. Уч қаватдан иборат ушбу ишоотда минглаб ходимлар ишласа керак. Олий даражадаги хизмат кўрсатишни айтмайсизми? Тозалик, саранжом-саришталлик гап йўқ! Фуқаролар назоратдан ўтказилиши учун жуда кўп йўлак мавжуд.

Оқларимиз қайта-қайта текширувдан ўт-казилди. Ҳар қадамда хавфсизлик ва эҳтиёт-корлик чораси, қойил қолмай илжонингиз йўқ. Жуда катта аэропорт бўлишига қара-май, адашиб қолмайсиз, замонавий техника



Эртаси кунни йўлбошловчимиз Речел ҳамроҳлигида саёҳатга отландик. Автобус елдек учиб кетмоқда. Пекин шаҳридаги кексалар маданият марказига киришимиз билан бир гуруҳ онахонлар бизга пешвоз чиқди. Икки қаватли бинода юзга яқин ота-хону онахон рақс, расм чизиш, тўқувчилик, тикувчилик, қиличбозлик тўғарақларида

ди! Рақс тўғараги хонасига кирсак, бир хил либосдаги, етмишин нари-берисидидаги аёл-лар хитой миллий рақсини маромига етказиб ижро этаётган экан. Даврани тўлдириб тур-ган онахонларнинг эпчил ва чаққон ҳаракат-ларидан ҳайратга тушдик. Бир хил ритм, бир хил энгил ҳаракат! Гўёки улар оҳанг оғушига сингиб кетаётгандек эди.

Обуна — 2025

МУШТАРИЙЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

ЭНДИ ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА БЎЛИБ, 10-20 ФОИЗ CASHBACK ОЛАСИЗ



Айни кунларда республикамизда босма нашрлар учун обуна мавсуми авж паллага кирди. Сир эмас, ҳозирги глобал техник тараккиёт даврида газета-журналларга бўлган эътибор ҳам бир оз сустлашган. Бунинг сабаблари ҳақида соҳа мутахассислари, оддий муштарийлар тури платформа ва ижтимоий тармоқлар орқали ўз муносабат ҳамда таҳлилларини билдириб келади.

— навбатдаги сабаб обуначиларнинг газе-та ва журналларга тўғридан тўғри тахририят билан тузилган шартнома асосида обуна бў-лиши натижасида махсулот манзилига ўз вақ-тида еки умуман етказиб берилмаслиги. Бу иш билан бевосита тахририятлар шуғул-ланаётганига сабаб эса почталар фаолиятининг тартибга солинмаганидир. Юқоридаги ва яна бошқа санаб ўтилмаган муаммолар босма нашр тахририятларини ҳар йили қийнайдиган масала эди. Айна пайтда эса унинг ечими йўлида дадил қадамлар қў-йилаётганини кўриш мумкин. Бунга Прези-дентимизнинг 2022 йил 27 июндаги “Омма-вий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда унда белгиланган вазифалар омил бўлди. Ўз навбатида, Президентимиз қарори иж-росини таъминлаш мақсадида 2023 йил 26 июнь кунин Вазирлар Маҳкамаси “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантиришга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини қабул қилди. Ушбу ҳужжат билан Жисмоний шахслар



томонидан даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа мағбаа махсулотларига электрон тарз-да обуна бўлиш ҳамда даврий босма нашрлар учун обуна харажатларининг бир қисмини қайтариб бериш тартиби тўғрисидаги низоом тасдиқланди. Шунингдек, Иқтисодиёт ва молия вазир-лиги томонидан 2026 йил 1 январга қадар

MILLIY MATBAA MAHSULOTLARI PLATFORMASI

ҳар йили давлат бюджети параметрларида “Обуна” ягона электрон платформаси орқали амалга оширилган даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қайта-ришни молиялаштириш учун Рақамли те-хнологиялар вазирлигига маблағ ажратилиши белгиланди. Қуни кеча Президент Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуни-кациялар агентлиги расмий каналда обу-начилар учун қўлайлик яратилгани ҳақида маълум қилди. Энди газета ва журналлар-га обуна бўлувчилар учун 10 ва 20 фоизгача cashback қайтарилди. UZINFOCOM томо-нидан ишга туширилган “Обуна” электрон платформаси (https://e-obuna.uz/uz) бунга изн беради. “Ушбу платформа орқали обуна бўлинган газета-журналларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-баддий, ҳуқу-қий, илмий-оммабоп нашр турларига обуна

нархнинг 10 фоизи, болалар учун мўлжал-ланган нашрлар учун обуна нархнинг 20 фoиз миқдорида cashback обуначиларнинг банк карталарига қайтариб берилади”, дей-лади хабарда.

Платформада обуна бўлган газета ва жур-наллар бўйича барча маълумотларни: обуна мuddати, газета ва журналнинг чоп этилиш даврийлиги, обуна етказиб бериладиган манзил ва ҳоказоларни кўриш имконияти яратилган. Истаган одам миллий мағбаа мах-сулотлари платформасига www.e-obuna.uz ҳа-воласи орқали кириши ва ўзини қизиқтирган газета ва журналга обуна бўлиши мумкин. Жумладан, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталарига ҳам.

Ягона электрон платформанинг мақсад ва вазифалари қаторида қуйидагилар келтирил-ган: аҳолига газета ва журналлар сотиб олиш ва уларга обуна бўлишда энгиллик яратиш; даврий босма нашрлар, китоб, газета, журнал ва бошқа мағбаа махсулотларига обуначи-лар сонини қўлайитириш; тахририятлар учун мағбаа махсулотларини тиражини олдиндан прогноз қилиш имкониятини яратиш; обу-начиларга қўшимча имтиёزلар бериш, яъни мағбаа махсулотига турига қараб кешиб қайта-риш; миллий мағбаа махсулотлари элекрон каталогини шакллантириш ва уни оммага кенг тарғиб этиш орқали миллий мағбаа мах-сулотларига бўлган талабни ошириш.

Платформа даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа мағбаа махсулотларига масофадан туриб электрон тарзда обуна ташкил этиш учун ишлаб чиқилган ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари, шунинг-дек, тўлов тизими операторларининг ахборот тизимлари билан интеграцияланган ҳолда ишлаш учун мўлжалланган.

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Маърифат фидойилари

ШАҲРИСАБЗЛИК

ЖАДИДЛАР



“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2024 йил 7 июндаги сонидида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ўралбой Қобилнинг “Қамашилик жадид бобо” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда ўз даврининг етук мутафаккири, шоир, таржимон, аруз ва муаммо жанрининг зукко билимдони, Шаҳрисабз шаҳрида таваллуд топган Қори Абдулла Гулшанийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган қатор қизиқарли маълумотлар берилган.

Шерзод БҲРИЕВ, Шаҳрисабз шаҳри ҳоқими



Шаҳрисабз Хисрав Дехлавий, Мирзо Голиб, Мирзо Бедил каби улуг шоир ва мутафаккирларимиз ота-боболарининг муқаддас юрти ҳисобланади. Шаҳрининг Амир Темур билан боғлиқ Оқсарой, Кўк-гумбаз, Гумбази Сайиднон каби қадимий обидалари бугунги кунда ҳам қадимизни ифтихор туйғуси билан тўлдириб турибди. Маънавият ва маърифат халқ салоҳиятини белгиловчи мезон. Моддий бойликлар муайян давр учун хизмат қилса, маънавий бойлик ҳамма даврларда инсониятни камолот сари етакловчи, эзгулик ва бунёдкорликка ундовчи, ватанни, халқни севишга даъват этувчи куч бўлиб қолди. Зотан, жадид ота-боболаримиз халқимизга берган руҳий озуқаси билан улуг ва қадрлидир.

хизматига бўлган Мирза Салимбек 1910 йилда Шаҳрисабз ҳоқими этиб тайинланган. У Шаҳрисабзда ҳоқимлик қилган даврда ёзган, 1914 йилда Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифзонов литографиясида тошбосма усулида, араб имлосида чоп этилган “Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб маъ тарихи касиран мажмуаи Салимий” китоби ўз даврининг қимматли манбаларидан бири ҳисобланади. Мазкур китобда Бухоро амирлиги тасарруфидоги вилоятларда яшаган янгича фикрловчи 220 дан ортиқ қалам аҳли ҳақида мухта-сар маълумотлар берилиб, ижодидан намуналар келтирилган.

Мазкур таъкирдан ўзбек ва форс-тожик тилларида асарлар битган шаҳрисабзлик ўндан ортиқ шоир — Ҳомил Абдурахмон Шаҳрисабзий, Халифа Эшмуҳаммад Шаҳрисабзий, Ражий Шаҳрисабзий, Ҳофий Қори Фозил домла Шаҳрисабзий, Мирзо Юсуф Шаҳрисабзий, Ҳасан Шаҳрисабзий, Наврас Шаҳрисабзийнинг шеърлари ўрин олган.

Шаҳрисабзлик жадидлар тарихини ўрганишда Мирза Салимийнинг яна бир қимматли асари “Тарихи Салимий” ҳам жуда муҳим манбадир. Янгича фикрловчи, халқни маърифатга қорловчи ва ўзбек эълоларининг раҳмоси ҳисобланган Мирза Салимбек Мирза Раҳим ўғли 1914 йилда Амир Олимхон томонидан Бухорога чақи-

рали ташриф буюриб, ҳамкорликни йўлга қўйган Шаҳрисабз жадидчилиқ ҳаракати таъқиққа учрайди.

Машҳур татто ва истеъдодли шоир Мирза Юнусхўжа Ражийнинг Акрамхон томонидан жадидчилик ҳаракатига хайри-хоҳликда айбланиб, ноҳақ қатл этилиши Шаҳрисабздаги энг муҳим воқеалардан бири сифатида тарихга муҳрланди. Мирза Юнусхўжа Ражий ҳаттоликда устоз даражасига кўтарилди. Ўз асарларига Ражий Шаҳрисабзий деб имзо қўйган таттонинг хусниҳати билан кўчирилган бир қанча асарлар бизгача етиб келган. Шулардан бири Мирзо Бедилнинг ЎзФА Шарқшунос-лик институти қўлэмалар фондида сақланаётган девони бўлиб, соҳа мутахассислари фикрича, бу қўлэмалар Бедилнинг шу даврга-ча кўчирилган девонлари орасида энг мукаммал ва бебаҳосидир.

Унинг мумтоз адабиётимиз таъсирида ёзган “Хусниҳат қитъалари” асари ҳам бизгача етиб келган. Ана шундай етук маърифатпарвар мутафаккир жадид Ражий Шаҳрисабзий Акрамхон тўра томонидан қатл этилган бўлса, маърифатпарвар шоир ва таттолар — Исомиддин Шаҳрисабзий Бухорога сургун қилинган, Абдуллобек зиндонга ташланган, Абдурахмонбек эса маърифатпарварлик гоълари туйғайли ўлимга маҳкум этилган.

Президентимиз “Жадидлар: миллий ўлик, истиқлол ва давлатчилик гоълари” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида “Барчамизга аёни, “Тилда, фикрда, шидда бирлик” деган эзгу гоъ билан майдонга чиққан жадид боболаримиз халқларимизни жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, улар-

ни гафлат ботқоқидан қутқаришнинг асосий йўли — билим ва маърифатда, дунёвий тарраққиётни эгаллашда, деб биддилар”, дея таъкидлаган эди.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонда инсон қадри улугланадиган адолатли, эркин ва обод жамият, халқтарвар давлат, фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган ислохотларимиз жадид боболаримизнинг эзгу гоъ ҳамда дастурларига ҳар жиҳатдан уйғундир.

Зеро, Президентимиз айтганидек, халқимиз озодлиги ва ватанимиз равнақи йўлида азиз жонини фидо қилган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини янгича тафаккур асосида ўрганиш ҳамда тарғиб этишга алоҳида эътибор бермоғимиз, адабий-баддий, илмий меросини нашр этиб, ёшларимизни жадид ота-боболаримизнинг бебаҳо асарларини ўрганишга чақирмоғимиз лозим.

Шаҳрисабзлик жадид боболаримиз қолдирган ва айни пайтда ЎзФА Шарқшунос-лик институти қўлэмалар фондида сақланаётган нодир асарларни тарихий ва илмий жиҳатдан ўрганишимиз керак. Улардан нусхалар олиб, яқин тарихимизнинг ажралмас қисми бўлган давр ҳақидаги ҳар қандай муҳим маълумот берадиган материалларга музейлардан жой ажратиш зарур. Шу орқали ёш авлодни аждодларимизга муносиб ворис қилиб тарбиялаш мумкин.

Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!

ҚАДР-ҚИММАТ ФАҚАТ МОДДИЯТ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ

Август. Куз ифори олиб келадиган, ота-оналар мактаб бозори ташвишига тушиб қоладиган палла. Бу ширин ташвиш, аслида. Аммо бир пайтлар август мактабга эмас, пахта теримига тўғриланиш мавсумига айланарди. Баъзан ҳаёлан бугунги ўқувчиларга “Тасаввур қилинг, мактабни соғиниб, янги кийимларингизда ҳаяжон билан “Биринчи кўнғироқ”қа борсангиз-у, тадбирдан сўнг пахта даласига олиб кетишга. Шу кетганча қишга яқин мактабга қайтсангиз”, дея туриб, “Йўқ-йўқ, тасаввур ҳам қилманг, сиз бугун фақат ва фақат илм олишингиз керак. Ота-онангиз ҳам пахта теришга мажбур эмас. Уйда сизнинг тарбиянгиз билан шугулланишига ҳеч қандай тўсқинлик йўқ”, дейман.

Бир кунгина тугилган янги сумкамизни “Эсин, кеч кузгача хайр”, деб илиб қўйган пайтларимиз онам раҳматли бир воқеани эсларди. Уша пайтлари ўқувчилар кўёш чикмасидан пахта даласига борар экан. Бир куни онам бир оз кечкибди. Мактабдошларини олиб кетаётган катта машина ортидан “Тухтанлар”, деб югурибди. Уқитувиси эса “Сен бугун анавилар билан тенг бўлдинг, кечгача ўшалар билан юрасан”, деб орқанда келаётган хотинлар тўла машинага ишора қилибди. Онам йилгача бошини эгиб, катта аёллар билан бирга кетибди. Шомга қадар улар билан пахта теришга мажбур бўлибди.

аҳволим маълум-ку, дея қоғозни олиб чиқибди. Ҳужжатнинг ҳақиқийлигини кўриб туриб ҳам ҳалиги одам “Қорингга ёстиқ боғлаб олгансан”, деб ўдағайлагани учун ич-ичидан хафа бўлган онам разил тузум дастидан дод деган экан.

Инсон қадрини оёқости қилишдан бошқа нарса деб бўлмайдиган бу каби ҳолатларга, хайриятки, бугун дуч келмаймиз. Ҳеч қачон рўбарў ҳам бўлмайлик! Ўзингиз ўйланг, ҳозир кимдир сизни шундай хўрлаши мумкинми? Хўрлаган тақдирда ҳам нима дейишни, ҳақ-ҳуққингизни қандай ҳимоя қилишни биласиз.

Ҳомилдор аёллар у ёқда турсин, хошиши борларгина пахта терадиган даврга етиб келди. Ҳеч қандай сиёсий зугум, кампаниябозлик йўқ. Пахта терими чоғи бемалол тўй қилишимиз, истаган тadbирларни ўтказишимиз



мумкин. Оёқ-қўлида қувват бўлмаса-да, этак туттишга мажбурланган қариялар бугун давраларимиз тўрида. Уруш фахрийлари-ку, тирик тарихимиз, ғаниматларимиз. Инсон манфаати, қадр-қиммати биринчи ўринда. Янги Ўзбекистонда “Инсон — жамият — давлат” деган янгича қараш устувор. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари энг олий қадрият сифатида белгилаб қўйилди. Ким бўлишидан қатъи назар, инсон ҳақ-ҳуқуқи, шаънига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиняпти.

Бугун жамият бутунлай янгича қиёфа касб этапти. “Туб ислохотлар”, “туб бурилишлар” деган иборалар шунчаки баландрарволик учун айтилаётгани йўқ. Айни пайтда шу юрт, халқ фаровонлиги учун нимаики қиламан

десангиз, ҳеч ким йўлингизни тўсмайди. Аксинча, янги даврга янги гоъ ва ташаббуслар кераклиги бот-бот айталяпти. Ким бўш иш ўрни яратаман деса, рағбат берилляпти.

Тўғри, инсон қадрини фақат моддият, ижтимоий ҳимоя билангина ўлчайдиганларнинг бундай гаплардан энсаси қотиши аниқ. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, илгариги таҳриромуз муносабатлар барҳам топганининг ўзи бениҳоя қадрланаётганимиздан далолат. Зеро, қадримизни фақат моддият билан ўлчаймизми? Фақат ижтимоий ҳимоя билангина қадр-ланишимиз керакми?

Шундай бўлса, ҳамон шу юрт киши-си бўла туриб, фуқаролик паспортисиз тан олинмай, ҳалол пешана теримиз ҳақини пластик картадан 25 фоизгача нақд пулга алмаштириб юраверсак-чи? Аслида, бу малаалар ечимми — бир умрлик ижтимоий ҳимоя. Ҳавога учиб кетаётган маблагимиз энди рўзгоримизга қияпти. Унутиб қолдирганимиз — паспортни қарийиб Тошкент остонасидан вилоятга қайтиб олиб келганимизда ҳам вақтимиз, ҳам нақдимизни йўқотмадикми?

Инсон қадри борасида гап кетганида, аввало, шулар ҳақида ўйлашнинг ўзи етарли, назаримизда. Ҳозир энг чекка ҳудудлар аҳолиси ҳам ислохотлар экинтини сезиб яшляпти. Тўғри, ичимлик сув, табиий газ муаммоси бирдан ҳал бўлиб қоладиган мала-сала эмас. Бироқ ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ҳам йўқ. Аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилаш бўйича тизимли ишлар қилиняпти. Муаммолар навбати билан ечимини топиб боради. Олдимизга қўйган режаларимиз катта. Қайси соҳа, қай жабҳага қараман, фақат ва фақат олдинга силжиш, интилишни кўрасиз. Тугилишимиздан тортиб, умримизнинг сўнгигача қулай шароитда яшашимиз учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Янгича ёндашувлар татбиқ этиляпти. Ноҳақликка дуч келганимизда ҳақ-ҳуққимизни талаб қилишимиз учун ҳам тизимли ишлар олиб борилади. Халқ қабулҳоналари мурожаатлар ечимини устида изляняпти. Инсоннинг дунё мамлакатларида конституцияларида қайд қилинган 110 дан ортиқ ҳуқуқидан 90 таси янги таҳрирдаги Бош қонунимизда акс этгани эса ҳар томон-

лама қонун ҳимоясида эканимизни кўрсатади.

Шунингдек, бугун маънавий-маърифий, маданий эҳтиёларимиз қондирилишига алоҳида эътибор қаратилган. Соҳа вакилларининг халқ ичига кириб бориши, бу билан амалий натижаларга эришиш асосий вазифалардан бўлиб қолди. Одамларнинг руҳиятини кўтариш, ҳаётдан рози бўлиб яшашини мақсад қилган эзгуликлар самарасини ҳам кўриб турибмиз. Шуқроналик ҳисси зиёда бўлаётган юртдошларимиз бу гўзал туйғунни дилларидан тилларига чиқараётгани кувонарли.

— Жойларда бўлиб, чекка ҳудудлар аҳолиси билан дилдан сўхбатлашяптимиз, — дейди фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухамедова. — Ишонч билан айта оламизки, бугун кўплаб одамларнинг дунёқароши, фикрлаши, ҳаётга, эртанги кунга муносабати бутунлай ўзгарган. Бизга кераклиси ҳам шу, аслида. Зеро, янгича фикрлашнинг ўзи ҳам янги жамият қуришда катта куч бўлади. Шундай экан, барчамиз бир тан, бир жондек бирлашиб, Ўзбекистонимиз тараққиётига чин дилдан ҳисса қўшмоғимиз лозим. Ватанга, оилага, элга, юртга садоқат билан ҳалол меҳнат қилиб, ёшларимизга ўзиниз матонат, жасорат намунаси бўлайлик. Жадидлардек қаҳрамонона ҳаракатимиз билан улар орзу қилган янги жамиятини курайлик.

Ҳа, қайсида юртларда уруш нафаси кезаётган, яна қайлардадир тинчлик омонатига қалқиб турган таҳликали даврда биз қатъият билан янги ҳаёт сари интиляптимиз. Зеро, ёруғ кунлар сари одимлаш, янгиликка интилиш осони тинч элнинггина кўнглига сиғади. Келинг, шу мусаффо осмон остида тинчлик неъматига шуқрона айтиб яшайлик. Эскича қарашлар, фикрлашларни нукта қўйлик. Бирлашсак — ватанмиз, деган қорлов ич-ичимиздан чиқаётган ҳаётий шioriимизга айлансин!

Муножат МҲМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА Ўқиш учун МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Кологрak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекс — 236. Буюртма — 2628 11226 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Ғозиддинов Мусахҳи: Аслиддин Абдуразақов Дизайнер: Хуришд Абдуллоев

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй